

Абдулла Кодирий «Ўткан кунлар» романида Юсуфбек хожини айнан хожилиги эътибори билан юксак бир мақомга кўтариб кўйгандир. Бу қахрамон маиший-ижтимоий жихатдан ақл-заковати, фахм-фаросати, гўзал одоби, муомала-муносабати, кўйинги, барча-барча фазилатлари билан ажралиб туради. Бу нурюзли сиймо талъатидан таралган ёғду бутун роман борлигига ойдинлик бағишлайди.

Ёзувчи Юсуфбек хожи мақомини маълум бир ишоралар, рамзлар воситасида юксакликка кўтаради. Уни бир ўринда чин дилдан Куръон ва «Далойил» мутолаасига берилган киши сифатида тасвирлайди. Романинг бошка бир саҳифаси — Кумушнинг кўзи ёриши арафасида ҳам хожи «хурсанд ва хафалиги номаълум киёфади» «Далойил» ўқиб ўтиради. Бугунги маърифатли ўқувчи учун Куръони каримнинг қандай китоблиги ёки мазмун-моҳиятини изоҳлаб беришга ҳожат йўқ. Бироқ Абдулла Кодирий асарларида тез-тез тилга олинган «Далойил» ҳусусида эса икки оғиз сўз жоиз.

Ўтган аср аввалида Козон матбаахоналарида босилган ва юртимиз зиёлилари орасида машҳур бўлган «Далойил ул-хайрот» муаллифи МУҳаммад ибн Сулаймон Жазулий исми кишидир. Китоб ёзилишининг кизик бир тарихи ва уни ўқиш шарти ҳамда одоблари бор. Биринчидан, қомил бир машойихдан изн олиш лозим. Иккинчидан, уни ўқувчи киши ейиш-ичиш, савдо-сотик қаби амалларда ҳаромдан ҳазар этиши керак. Учунчидан, ўзи ҳам, қийим-кечаги ҳам пок бўлиб, уни ўқишда хатога йўл қўймаслиги лозим. Тўртинчидан, тажвид (тўғри талаффуз) қоидаларига амал этиши ҳамда ўқилаётган дуо ва тасбеҳларнинг маъносини имқони борича билиши керак. Бизнингча, умуман шунга ўхшаш барча талабаларни Юсуфбек хожи қомил бир инсон сифатида тўла-тўқис адо қилган. Ақс холда, дуолар, тасбеҳ ва салаватлардан таркиб топган «Далойил»ни ўқишга хожи жазм этмаган бўлар эди.

Абдулла Кодирий бундай мўътабар китоблар кадр-қиймати яхши билган, албатта. Демак, китоб моҳияти ортидаги син-синоатни, умуммоҳиятни англаб олиш ўқувчи кўзи ўнгида «Далойил» ўқийтган Юсуфбек хожи сиймосини яна ҳам серфазилат, маънавий-рухий дунёси янада бўртиб кўринишига сабаб бўлади.

Баходир КАРИМ,
филология фанлари доктори